

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЗИЗОВ КОБУЛЖАН КАХРАМАНОВИЧ**

**ОҚ ЖЎХОРИНИНГ ПАКАНА БЎЙЛИ, ТЕЗПИШАР, ДОН  
ҲОСИЛДОРЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛГАН НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИ  
ЯРАТИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

<b>Азизов Кобулжан Кахраманович</b> Оқ жўхорининг пакана бўйли, тезпишар, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмаларини яратиш.....	5
<b>Азизов Кобулжан Кахраманович</b> Создание низкорослых, скороспелых, с высокой урожайностью зерна сортов и линий сорго.....	26
<b>Azizov Kobuljan Kaxramanovich</b> Creation of low-growing, early-ripening, high-yielding sorghum varieties and lines.....	49
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	53

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЗИЗОВ КОБУЛЖОН КАХРАМОНОВИЧ**

**ОҚ ЖЎХОРИНИНГ ПАКАНА БЎЙЛИ, ТЕЗПИШАР, ДОН  
ҲОСИЛДОРЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛГАН НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИ  
ЯРАТИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.DSc/Qx222 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Сидиков Равшанбек Иномжонович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Зиёдуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Жўраев Диёр Турдикулович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Мейлиев Акмал Хушвақтович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 8.09 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: [пахтауз@mail.ru](mailto:пахтауз@mail.ru); Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти бош биноси, 3-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (№ 1354 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг кутубхонаси. Тел.: (+99897)746-47-60.

Диссертация автореферати 2025 йил 24 07 да тарқатилди.  
(2025 йил 24 07 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



**Ш.Э.Намазов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., академик

**М.Б.Халикова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., профессор

**С.Раҳмонкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор, ЎзРҚХА мухбир аъзоси

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон деҳқончилигида оқ жўхори (*Sorghum Moench*) муҳим озиқ-овқат ва озуқа экини бўлиб, кенг тарқалган донли экинлар ичида бешинчи ўринни эгаллайди. Оқ жўхори етиштириш бўйича етакчи давлатлардан “Ҳиндистонда 6,2-18,2 млн га, Нигерияда 2,1-6,9 млн га, Суданда 1,5-7,1 млн га, АҚШ да 1,9-6,5 млн га, жами 50 млн гектардан ортиқ майдонни ташкил этади. Дунёнинг 80 та мамлакатада сув танқислиги муаммоси мавжудлигидан ҳар йили 7 млн гектар экин майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиқиб кетиши ҳамда глобал иқлим ўзгариши натижасида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси ортиб бормоқда”<sup>1</sup> Шу сабабли иссиққа, қурғоқчиликка ҳамда шўрга бардошли, тезпишар, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган муқобил экинларнинг янги нав, дурагайларини яратиш, шунингдек уларнинг бошланғич уруғчилигини ташкил этиш, етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Дунёда оқ жўхорининг 30 та тури мавжуд бўлиб, шундан олимлар томонидан селекция йўналишларида асосан тўртта (дон жўхори, қанд жўхори, ўтсимон жўхори ва техник жўхори) турининг янги нав ва дурагайларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, сув манбаси етарли бўлмаган, иқлими иссиқ, тупроғи турли даражада шўрланган ҳудудларда ўса оладиган экинлардан бири бўлган оқ жўхорининг тезпишар, юқори маҳсулдор навларини яратиш ва бошланғич уруғчилик тизимини йўлга қўйиш ҳамда жорий этиш катта илмий – амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-36-сонли фармонида “...озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий сабзавот экинларининг серҳосил, касалликларга ва қурғоқчиликка чидамли маҳаллий навларини яратиш, уларнинг уруғчилигини ташкил этиш ҳамда ички бозорни маҳаллий уруғликлар билан таъминлаш дастурида”<sup>2</sup> муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажариш учун юқори турли абиотик ва биотик омилларга бардошли, тезпишар, юқори дон ҳосилдорлигига эга бўлган, озиқ овқат саноати учун хомашё бўладиган оқ жўхорининг янги нав, дурагайларини яратиш, уларнинг уруғчилигини ташкил қилиш ва амалиётга жорий этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш

<sup>1</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/proishozhdenie-sorgo-i-razvitie-ego-selektcii>

тўғрисида”ги ПҚ-3683-сон қарори<sup>3</sup>, 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонуни,<sup>4</sup> 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>5</sup>ги ПҚ-4821-сон, 2024 йил 20 июндаги “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>6</sup>ги ПҚ-227-сонли қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Дунёда оқ жўхори селекциясида, жумладан тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли истикболли нав ва дурагайларни яратишда ҳамда уруғчилик тизимини такомиллаштиришда самарали инновацион технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, муассалари ҳамда олий ўқув юртларида, жумладан: халқаро марказларда (ICRISAT, ICBA, FNPSMS), Россия (Северо-Кавказский федеральный аграрный центр, Аграрный научный центр «Донской», Всероссийского научно-исследовательского института сорго и сои «Славянское поле»), Қозоғистон (Дехқончилик илмий-тадқиқот институти) ҳамда АҚШ (“Pioneer”, Advanta Seeds – UPL, Corteva Agriscience, Land O’Lakes, Inc.), Германия (KWS Saat SE), Францияда (Societe RAGT 2N S.A.S.), Сербия (Новый Сад, Земен Поле), Россия (Агроплазма, Lidea) каби дунёнинг машҳур оқ жўхори уруғчилик фирмаларида, шунингдек Ўзбекистонда (Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш станцияси) олиб борилмоқда.

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши даврида ICRISAT, ICBA Россия, Сербия ва Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтидан келтирилган 78 та оқ жўхорининг коллекцион нав намуналарини селекция ишларига жалб этиш орқали тезпишар, пакана бўйли, юқори дон ҳосилдорлигига эга бўлган нав, тизмаларни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари жадал давом этмоқда. Шунингдек, оқ жўхорининг эртапишар нав ва дурагайларини яратиш бўйича Украина маккажўхоричилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўсимликшунослик, генетика ва селекция илмий-тадқиқот институтларида ҳам кенг қамровли селекция ишлари олиб борилган.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/6802687?ONDATE=16.02.2024%2000>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/ru/docs/3713748>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/69237>

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/4990322?ONDATE=27.04.2024%2000>

<sup>6</sup> <https://www.lex.uz/docs/6977169>

Бугунги кунда жўхори генофондини ўрганиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиб қимматли дурагай ва навларни яратиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жўхорининг коллекцион нав намуналарини селекцион қимматлиги бўйича ўрганиш, тезпишар, пакана бўйли, юқори дон ҳосилдорлигига эга бўлган дурагайларини, нав ва тизмаларини яратиш, селекцион ашёларнинг уруғчилигини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Хорижий етакчи илмий марказларида оқ жўхори селекциясида тизмалараро, дурагайлараро ва навлараро чатиштиришлар асосида янги нав ва дурагайларни яратиш ишлари кўп олимлар, жумладан, Р.А.Руджер, Johnson, Kompfath, Pucaric, Enein, J.Gotlin, Semilari, R.B.Navais, M.Bazanovic, M.Derieux, В.И.Бокан, В.Обшерт, Е.Г.Тереньтев, О.М.Шалыгина, А.Ф.Стулин, Б.П.Гурьев, Т.Н.Камышан, М.В.Чумак, Т.С.Чалык, Е.Кульбацкая, В.Казанков, П.Ф.Ключко, Ю.М.Пашенко, Б.П.Гурьев, О.В.Чунту, И.Цолов, В.А.Фитъяков, Ю.В.Будённый, А.А.Ничипорович ва Г.Е.Шмараевлар томонидан амалга оширилган.

Республикамызда оқ жўхори намуналарини ўрганиб, навлар яратиш ва бирламчи уруғчилик тизими бўйича С.К.Кадамов, В.Т.Короленко, С.А.Мазурин, З.С.Виноградов, Х.Р.Мўминов, М.А.Ерназаров, Г.А.Айрапетов, П.П.Олейник, И.В.Массино, Д.Еденбаев каби олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган. Бу изланишлар натижасида, оқ жўхори селекциясида тизмалар, шакллар, дурагайлар, синтетик навлар ва популяциялардан фойдаланиш орқали эртапишар, совуқка, касаллик ва зараркундаларга бардошли, ҳосилдор навларни яратишга имкон бериши исботланган.

Бироқ, ҳозирга қадар оқ жўхорининг географик узоқ намуналари билан маҳаллий навларини дурагайлаш, тезпишар, пакана бўйли, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган янги нав ва тизмаларни яратиш ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилигини такомиллаштиришнинг илмий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси илмий-тадқиқот ишлари режасига қиради ва ҚХА-8-106 “Қурғоқчиликка ва шўрга чидамли маккажўхори, жўхори, африка қўноғи навларини дон ҳамда кўк массаси учун селекцияда бошланғич манба яратиш” (2012-2014 йй.), ҚХИ-1-14 “Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида янги, истиқболли, районлаштирилган ем-хашак экин навларини шўрланишга ва қурғоқчиликка чидамлиларини аниқлаш ва фермер хўжаликларига жорий этиш” (2012-2013 йй.), ҚХА-8-095-2015-ҚХА-8-094-2015 “Маккажўхори дурагайлари ва жўхори навларининг бирламчи уруғчилиги” (2015-2017 йй.), IL-632204156 “Оролбўйи худудининг тупроқ-иқлим шароитларига мос қишлоқ хўжалиги экинлари турларини (навларини) танлаш, уларни қайта жойлаштириш (районлаштириш) ва етиштиришни

агротехнологияларини ишлаб чиқиш” (2022-2023 йй.) мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оқ жўхорининг географик узоқ нав намуналари билан маҳаллий навларни чатиштириш орқали пакана бўйли, тезпишар, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмаларни яратиш ҳамда бирламчи уруғчилигини ташкил этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

оқ жўхори коллекциясидаги нав намуналарнинг морфо-биологик кўрсаткичларини аниқлаш ва дурагайлаш кўчатзорида танлаб олинган тезпишар, пакана бўйли, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган нав намуналарини чатишиш имкониятини аниқлаш;

F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларида қимматли-хўжалик белгиларнинг ирсийланиш таҳлилини ўтказиш;

F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларида морфо-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик хусусиятларини аниқлаш;

F<sub>3</sub> дурагай авлодида қимматли-хўжалик белгиларини таҳлил қилиш ва қимматли-хўжалик белгиларининг боғлиқлик даражасини аниқлаш;

оқ жўхорининг қимматли-хўжалик белгиларининг мажмуига эга янги оила ва тизмаларини андоза навга нисбатан таҳлил қилиш асосида янги селекцион ашёларни ажратиш;

янги яратилган селекцион ашёларнинг рақобат, ишлаб чиқариш синовларини ташкил қилиш ҳамда андоза навларга нисбатан морфо-биологик ва дон ҳосилдорлик кўрсаткичларини баҳолаш;

янги яратилган селекцион ашёларнинг бирламчи уруғчилиги ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оқ жўхорининг ICRISAT, Россия, Сербия илмий-тадқиқот ташкилотлари ва Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтидан келтирилган К-602 (Ўзбекистон оқ дон), К-417 (Хигери карликовое), К-296 (Зерноград 1), К-141, ISCV 112, ЎзК-545 нав намуналари ҳамда Чорвачилик ва парандачилик илмий-тадқиқот институти, Маккажўхори селекция ва уруғчилиги илмий-тажриба станциясида яратилган Ўзбекистон паканаси, Ўзбекистон 5, Даулет, Бой-жўхори навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** оқ жўхори коллекциясидан дон йўналишидаги тезпишар, пакана бўйли хорижий нав намуналарини танлаш, маҳаллий навлар билан чатиштириш, дурагайларда морфо-хўжалик белгиларини ирсийланиши, ўзгарувчанлиги билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш асосида тезпишар, пакана бўйли, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмаларни яратиш ҳамда бирламчи уруғчилигини ташкил этиш хисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий тадқиқотларда дала, лаборатория тажрибалари, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар, ўсимликни парваришлаш, ҳосилни аниқлаш Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги (1984), биометрик таҳлиллар “Методические указания по проведению полевых опытов с кормовыми культурами” (1983), Методическими указаниями по изучению коллекционных образцов кукурузы,

сорго и крупяных культур (1968), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007), “Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” (2019), ГОСТ 30483-97 “Межгосударственный стандарт зерно” (1998), ГОСТ 10842-89 “Зерно зерновых и бобовых культур и семена масличных культур” (2009), дурагайлашда Твелл, ҳамда устунлик даражасида (Нр) Ф.Петер ва Фрей формуласи бўйича ҳамда гетерозислик ва доминантлик коэффициенти қиймати М.А.Федин ва бошқаларнинг статистик усуллари ёрдамида аниқланди (1980). Олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмаси (1985) ва замонавий ANOVA (Analysis variance) дисперсион услубларида статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Республика шароитида оқ жўхориининг дон гуруҳига мансуб тезпишар, пакана бўйлилик ва юқори дон ҳосилдорлигига эга бўлган нав намуналаридан фойдаланиб, реципрок дурагайлаш усули орқали яратилган дурагайлари қиёсланиб янги бошланғич ашёлар яратилган;

танлаб олинган оқ жўхори нав намуналарини реципрок дурагайлаш асосида хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва юқори авлодларда шаклланиши қонуниятлари илмий асосланган.

тадқиқотлар натижасида Т-4, Т-9, Т-14, Т-17, Т-5, Т-10, Т-13, Т-2, Т-8, Т-12 ва Т-15 тизмалари яратилган ҳамда уларнинг морфо-биологик кўрсаткичлари, дон ҳосилдорлиги бўйича юқори натижалари уларнинг селекция жараёнида янги нав, дурагайлар яратишда қўлланилишини таъминлаган;

реципрок дурагайлаш асосида оқ жўхорининг қимматли хўжалик белгиларининг юқори мажмуасига эга бўлган ўрта тезпишар, пакана бўйли, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган янги “Массино” нави яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оқ жўхори коллекция синовида тезпишар, пакана бўйли, юқори ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга К-602 (Ўзбекистон оқ дон), К-417 (Хигери карликовое), К-296 (Зерноград 1), К-141, ISCV 112, ЎзК-545 маҳаллий ва хорижий коллекцион нав намуналари танлаб олинган ҳамда бошланғич ашё сифатида амалий селекция жараёнига тавсия этилган;

янги яратилган Т-4, Т-9, Т-14, Т-17 (келиб чиқиши F5(К-417 (Хигери карликовое) х К-602 (Ўзбекистон оқ дон), Т-5, Т-10, Т-13 (келиб чиқиши F5 (К-602 (Ўзбекистон оқ дон) х К-296 (Зерноград 1), Т-2, Т-8, Т-12, Т-15 (келиб чиқиши F5 (ЎзК-545 х К-417 (Хигери карликовое) тизмалари кейинги селекция тадқиқот ишларида янги нав, дурагайлар олиш учун бошланғич манба сифатида тавсия этилган;

амалга оширилган тадқиқотлар натижасида оқ жўхорининг “Массино” нави яратилган (NAP 465, 29.04.2024 йил) ва бу нав 2023 йилдан Самарқанд вилояти бўйича дон етиштириш учун тавсия этилиб, қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган;

оқ жўхорининг яратилган янги “Массино” нави андозага нисбатан 10-12 кун эртапишарлиги, дон ҳосили 0,8-1,2 т/га юқори эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва ҳар йили апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама қилинганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистик таҳлил ўтказилгани ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, олинган натижаларнинг республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тадқиқотларда илмий аҳамияти маҳаллий ва четдан келтирилган нав намуналарни ўзаро частиштириш асосида яратилган F<sub>1</sub> дурагайларида асосий қимматли хўжалик белги ва хусусиятларнинг ижобий ва салбий оралиқ ҳамда гетерозис тарзида ирсийланиши, F<sub>2</sub> авлоддан бошлаб кенг ўзгарувчанлик юз бериши, F<sub>3</sub> авлодда F<sub>2</sub> дурагайлارга нисбатан қимматли хўжалик белгиларининг яхшиланишининг аниқланганлиги, F<sub>4</sub> авлодда дон чиқиши ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган тизмалар даражасида ажралиб чиқишининг янги навлар яратилишига олиб келганлигининг, узоқ эколого-географик нав намуналарни ўзаро частиштириш, уларнинг умумий ва махсус комбинацион қобилятлари асосида тизмаларда дон ҳосилдорлигини 10-12% га ошириш мумкинлиги ҳамда оддий дурагайлаш, частиштириш орқали янги тезпишар, пакана бўйли, дон ҳосилдорлиги юқори, қимматли хўжалик белгиларига эга оқ жўхори нави яратилишининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти танлаб олинган коллекция нав намуналарини маҳаллий навлар билан реципрок усулда частиштириш асосида T-4, T-9, T-14, T-17, T-5, T-10, T-13, T-2, T-8, T-12, T-15 тизмалари ажратиб олиниб, келгусида селекция ишларида бошланғич манба сифатида фойдаланишга тавсия этилганлиги, янги истиқболли, тезпишар, пакана бўйли, дон ҳосилдорлиги юқори “Массино” нави яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, ушбу навни бирламчи уруғчилиги ташкил этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оқ жўхорининг янги тезпишар ҳосилдор нав ва дурагайлари яратиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

дон ҳосилдорлиги юқори бўлган оқ жўхорининг янги истиқболли “Массино” нави яратилиб ишлаб чиқаришга жорий қилинган, 2023 йилдан Самарқанд вилояти бўйича дон етиштириш учун тавсия этилган ва қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган ҳамда унга патент (NAP 465) олинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 4 мартдаги 05/05-03-84-сон маълумотномаси). Натижада, оқ жўхори генофонди эртапишар, пакана бўйли, ҳосилдор манбалар билан бойитилган;

оқ жўхорининг янги яратилган “Массино” нави Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани “Қўнғиратбой-Меҳри” фермер хўжалигида 10

гектар майдонда уруғлик дон, 20 гектар майдонда дон етиштириш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 4 мартдаги 05/05-03-84-сон маълумотномаси). Натижада, оқ жўхоридан гектаридан 2,87 тонна оригинал уруғлик ва 6,5-6,8 тонна дон ҳосили олиш имконияти яратилган ҳамда бир гектар майдондан 20,0-20,3 млн. сўм соф фойда олишга эришилган;

янги яратилган Т-4, Т-9, Т-14, Т-17, Т-5, Т-10, Т-13, Т-2, Т-8, Т-12, Т-15 тизмалари Озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси илмий-тажриба участкасининг 1,0 гектар бирламчи уруғчилик кўчатзори майдонида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 4 мартдаги 05/05-03-84-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар бир тизмадан 15,0-20,0 кг дан оригинал уруғликлар тайёрлаш имконини берган;

“Дон экинлар генетикаси” мавзусидаги ўқув қўлланма олий таълим даргоҳлари талабаларига ўқув қўлланма сифатида ва “Дон жўхорининг “Массино” навини етиштириш бўйича тавсиялар” мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 4 мартдаги 05/05-03-84-сон маълумотномаси). Натижада, жўхори селекциясига оид билимлар мажмуи яратилган ва амалиётда қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси:** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш ва 1 та патент чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси маҳаллий, 2 таси хорижий журналларда мақола нашр этилган ва 1 та патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, шунингдек, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, илмий-тадқиқот натижаларининг

амалиётга жорий қилиниши ва синовдан ўтказилиши, нашр этилган илмий ишлар, диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оқ жўхорининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, селекцияси ва бошланғич уруғчилик бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи батафсил баён этилган бўлиб, оқ жўхори селекциясида тезпишар, пакана бўйли, дон ҳосилдорлиги юқори, касалликларга чидамли бўлган янги нав, тизмаларни яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Оқ жўхори селекцияси йўналишлари, морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг эколо-географик жиҳатдан узоқ жойлашган ҳар хил бошланғич манбалар асосида селекция жараёнида илмий асосланган илғор усуллари адабиётлар шарҳида келтирилиб ўтилган. Мавзуга оид дунёда ва республикада бажарилаётган илмий ишлар ҳамда уларнинг аҳамияти тўғрисида хулосалар баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиладиган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услуби, оқ жўхорини андоза навларининг тавсифлари, тажриба ўтказиш тизими ҳамда тажрибада олиб борилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация бўйича тадқиқотлар Тошкент вилояти Зангиота тумани Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида 2007-2019 йилларда, Тошкент тумани Озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси илмий-тажриба участкасида 2020-2022 йиллар, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, “Кўнғиратбой-Меҳри” фермер хўжалигида 2019-2022 йиллар мобайнида олиб борилган.

Диссертациянинг **“Оқ жўхорини коллекция синови ва F<sub>1</sub> авлодларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши”** деб номланган учинчи бобида 2007-2010 йиллар мобайнида оқ жўхори коллекция кўчатзорида мавжуд маҳаллий ва хориждан келтирилган нав намуналарнинг ўсув даври давомийлиги, хўжалик учун қимматли бўлган морфобиологик белгилари ҳамда хўжалик белгилари бўйича бошланғич намуналарни ажратиш ҳамда танлаш ишлари, F<sub>1</sub> авлодларда тезпишарлик, ўсимлик баландлиги, рўвак узунлиги, бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги, бир дона рўвакдаги дон сони, 1000 дона дон оғирлиги белгилари бўйича ота-она шаклларига нисбатан ирсийланиш даражаси турлича бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда турли пишиш даври бўйича маҳаллий К-602 (Ўзбекистон оқ дон), ЎзК-545 ҳамда географик узоқ намуналар ажратилиб чатиштириш ишларига жалб қилинган. Шунингдек, оқ жўхори ўсимлигида ўсимликларнинг пакана бўйли, рўвак узунлиги, битта ўсимликда шаклланган барглар сони, биринчи баргдан рўвак ости масофаси, бир дона рўвакдаги дон сони, бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги, 1000 дона дон оғирлиги бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган 3 та маҳаллий, 3 та географик узоқ намуналар чатиштириш ишларини олиб бориш мақсадида бошланғич манба сифатида танлаб олинган.

Оқ жўхорининг ўсимликлар бўйи белгиси фенологик кузатувлар натижасида ЎзК-245, К-141 ота-она шаклларида 97,2-239,3 см, F<sub>1</sub> дурагайларининг F<sub>1</sub> [(♀ЎзК-545х♂К-417 (Хигери карликовое)], F<sub>1</sub> [(♀К-141х♂К-417 (Хигери карликовое)] комбинацияларида 103,1 см дан 207,8 см гача бўлганлиги маълум бўлган.

Ўсимликлар бўйи бўйича ирсийланиш даражаси F<sub>1</sub> дурагай авлодларда ўрганилганда, 14 та дурагайдан 7 та дурагай комбинацияларида ижобий гетерозис ҳолатда hr=0,17 дан, hr=0,72 гача эканлиги, қолган дурагайларда эса ирсийланиш салбий ҳолатда, яъни hr=0,13-0,63 оралиғини ташкил этган.

Оқ жўхорининг бир дона рўвакдаги дон вазни ота-она шаклларида 86,4-167,2 гр оралиғида F<sub>1</sub> дурагайларда эса 88,3 гр дан F<sub>1</sub> [(♀ЎзК-545х♂ISCV 112)] комбинациясида, 176,4 гр гача F<sub>1</sub> [(♀К-417 (Хигери карликовое)х♂К-141)] комбинациясида эканлиги қайд этилган.

Бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги бўйича ирсийланиш даражаси F<sub>1</sub> дурагай авлодларнинг 7 та дурагай комбинацияларда ижобий ҳолатда, яъни hr=0,31-1,78 оралиғида, 7 та дурагай комбинацияларда эса доминантлик коэффиценти салбий ҳолатда, яъни hr=-0,18-1,16 оралиғида бўлганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **“Оқ жўхорининг географик узоқ нав ва намуналари иштирокида олинган дурагайлар, оилалар ва тизмаларда асосий қимматли-хўжалик белгиларининг вариацион таҳлиллари”** деб номланган тўртинчи бобида F<sub>2</sub>-F<sub>5</sub> авлодларида асосий қимматли-хўжалик белгиларининг вариацион таҳлиллари ва ўзгарувчанлиги аниқланган.

Тажрибаларда ўсимлик бўйининг фенологик кузатувлари натижасида ота-она шаклларида ўртача 119,6 сантиметрдан ЎзК-545 навида, 121,9 сантиметргача К-417 (Хигери карликовое) намунасида, F<sub>2</sub> дурагайларда эса 110,7 сантиметрдан F<sub>2</sub> [К-417 (Хигери карликовое)х♂К-602 (Ўзбекистон оқ дон)] комбинациясида, 124,2 сантиметргача F<sub>2</sub> [(♀ЎзК-545х♂К-417 (Хигери карликовое)] комбинациясида эканлиги намоён бўлган. Ўрганилган ота-она шакллари ва F<sub>2</sub> дурагайларда асосий ўсимликлар вариацион қаторнинг 3-6 синфларда, яъни 111 сантиметрдан 230 сантиметргача эканлиги кузатилган. Ушбу синфларда ота-она шакллари 68,5 фоиздан 84,0 фоизгача ўсимликлар жойлашганлиги кузатилди. F<sub>2</sub> дурагайларда ушбу синфларда 65,4 фоизгача F<sub>2</sub> [ISCV 112х♂К-417 (Хигери карликовое)] комбинациясида, 72,2 фоиздан F<sub>2</sub> [К-417 (Хигери карликовое)х♂К-602 (Ўзбекистон оқ дон)] комбинациясида жойлашганлиги аниқланган.

Ўсимликлар бўйи белгиси бўйича вариацион қаторлар ўрганилганда, ўнг томонида, яъни 3-8 синфларда 130 сантиметр ва ундан юқори бўлган ота-она шаклларида 218 та ўсимликлар, F<sub>2</sub> дурагайларда эса 300 та ўсимликлар мавжудлиги қайд этилган. Бунда ушбу синфларда ўсимликлар ота-она шаклларида 6,0-81,1 фоиз, F<sub>2</sub> дурагайларда 3,8 фоиздан, 6,5 фоизгача оралиқни ташкил этган. Оқ жўхорининг ўсимликлар бўйи бўйича 111 сантиметргача бўлган ўсимликлар ота-она шаклларида 5,7 фоиздан К-296 (Зерноград 1) намунасида, 11,1 фоизгача К-417 (Хигери карликовое) навида, F<sub>2</sub> дурагайлардан эса 6,1 фоиздан F<sub>2</sub> [(♀К-417 (Хигери карликовое)х♂К-141)]

комбинациясида, 72,2 фоизгача F<sub>2</sub> [K-417 (Хигери карликовое)х♂K-602 (Ўзбекистон оқ дон)] комбинациясида ўсимликлар ажралганлиги қайд этилган.

Ўсимликлар бўйи белгиси бўйича F<sub>2</sub> дурагайларнинг F<sub>2</sub> [K-417 (Хигери карликовое)х♂K-602 (Ўзбекистон оқ дон)], F<sub>2</sub> [(♀K-296 (Зерноград 1)х♂K-141)] ва F<sub>2</sub> [(♀ЎзK-545х♂K-417 (Хигери карликовое)] комбинацияларда ўрганилган бошқа дурагайлар ва ота-она шаклларига нисбатан паст бўйли ўсимликлар кўплаб ажралиб чиққанлиги аниқланган ва F<sub>2</sub> дурагай авлодда ўсимликлар бўйи натижаларига асосида 130 сантиметргача, яъни вариацион қаторнинг 1-2 синфларда ўсимликлар тадқиқот ишлари учун ажратиб олинган.

Рўвак узунлиги бўйича ота-она шаклларида ўртача 22,0 сантиметрдан K-602 (Ўзбекистон оқ дон) навида, 23,0 сантиметргача ISCV 112 намунасида ҳамда дурагайларда эса ўртача 21,1 см дан F<sub>2</sub> [K-417 (Хигери карликовое)х♂K-602 (Ўзбекистон оқ дон)] комбинациясида, 22,4 см гача F<sub>2</sub> [(♀K-141х♂K-417 (Хигери карликовое)] комбинацияси оилаларида бўлган.

Ота-она шаклларида рўвак узунлиги бўйича асосий ўсимликлар 3-5 синфларида 76,4-94,2 фоиз оралиғида ўсимликлар мавжуд бўлиб, ўзгарувчанлик коэффициенти 3,26 фоиздан, 4,98 фоизгача бўлганлиги кузатилди. Рўвак узунлиги бўйича F<sub>2</sub> дурагайларда ўртача кўрсаткичи 21,1-22,4 сантиметр оралиғида бўлиб, асосий ўсимликлар 2-5 синфларда, яъни 20-23 сантиметр оралиқда жойлашган. Ушбу синфларда 81,4 фоиздан ва F<sub>2</sub> [(♀K-141х♂K-417 (Хигери карликовое)] комбинациясида, 94,3 фоизгача F<sub>2</sub> [(♀ЎзK-545х♂K-417 (Хигери карликовое)] комбинациясида бўлганлиги қайд этилди. F<sub>2</sub> дурагайлардан рўвак узунлиги 21 сантиметргача бўлган ўсимликлар 1,9 фоиздан 29,6 фоизгача, 24 сантиметр ва ундан юқори бўлган ўсимликлар 1,8-18,5 фоиз оралиғини ташкил этиб, ўзгарувчанлик коэффициенти 4,64 фоиздан, 5,95 фоизгача эканлиги қайд этди.

Вегетация даври бўйича ота-она шаклларида ўртача 104,6 кундан K-296 (Зерноград 1) намунасида, 121,2 кунгача K-602 (Ўзбекистон оқ дон) намунасида, F<sub>2</sub> дурагайларда эса ўртача тезпишарлик 107,1 кундан F<sub>2</sub> [(♀K-296 (Зерноград 1)х♂K-141)] комбинациясида, 117,5 кунгача F<sub>2</sub> [(♀K-602 (Ўзбекистон оқ дон)х♂K-296 (Зерноград 1))] комбинацияда учради.

Вариацион қатор таҳлиллари бўйича ўсимликлар асосан 2-3 синфлар оралиғида жойлашганлиги, яъни 106-115 кун бўлган ўсимликлар ота-она шаклларида 81,6 фоиздан K-417 (Хигери карликовое) намунасида, 91,6 фоизгача K-141 намунасида бўлганлиги кузатилган. F<sub>2</sub> дурагайларда эса ушбу синфларда 64,8-85,2 фоиз оралиғини ташкил этди.

Вегетация даври бўйича ота-она шаклларида 106 кунгача бўлган ўсимликлар 75,5 фоиз K-296 (Зерноград 1) намунасида ҳамда дурагайларда энг тезпишар, яъни 106 кунгача бўлган ўсимликлар 1,9 фоиздан F<sub>2</sub> [(♀ЎзK-545х♂K-417 (Хигери карликовое)] комбинациясида, 58,5 фоизгача F<sub>2</sub> [(♀K-296 (Зерноград 1)х♂K-141)] комбинациясида эканлиги қайд этилди. Вегетация даври бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти ота-она шаклларида 1,62-3,71 фоиз оралиғида, F<sub>2</sub> дурагай ўсимликларда эса 2,47-6,05 фоиз оралиғида бўлди.

Тадқиқотларимизда ўрганилган 5 та F<sub>3</sub> дурагай оилаларда бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги бўйича асосий ўсимликлар 118-125 грамм оралиғида, яъни 3-4 синфларда 66,6 фоиздан F<sub>3</sub> [(♀K-296 (Зерноград 1)х♂K-141], 76,9 фоизгача F<sub>3</sub> [(♀K-417 (Хигери карликовое)х♂K-141] комбинациясида жойлашди.

Бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги ўртача 119,1 граммдан F<sub>3</sub> [(♀K-296 (Зерноград 1) х ♂K-141] комбинацияси оилаларида, 123,8 граммгача F<sub>3</sub> [K-417 (Хигери карликовое) х ♂K-602 (Ўзбекистон оқ дон)] дурагайи оилаларида бўлди. F<sub>3</sub> дурагайларда бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги бўйича 126 грамм ва ундан юқори бўлган оилалар 4,7-29,1 фоиз бўлганлиги аниқланди. Бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги бўйича F<sub>3</sub> дурагайлардан 126-133 грамм оралиғида бўлган ўсимликлар F<sub>3</sub> [K-417 (Хигери карликовое) х ♂K-602 (Ўзбекистон оқ дон)] дурагайида 29,1 фоиз ва F<sub>3</sub> [(♀ЎзK-545 х ♂K-417 (Хигери карликовое))] комбинациясида 20,8 фоиз бўлиб, бошқа дурагайлар ва ота-она шакллари нисбатан ижобий ҳолатни намоён этди. F<sub>3</sub> дурагайларда бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти 3,5 фоиздан 4,0 фоизгача эканлиги намоён бўлди.


Ота-она шаклларида 1000 дона дон йириклиги ўртача 28,4 граммдан ЎзK-545 намунасида, 44,5 граммгача K-141 намунасида бўлиб, асосий ўсимликлар 3-6 синфларда 26-45 грамм оралиғида 87,0 фоиздан K-417 (Хигери карликовое) навида, колган намуналарда 100,0 фоизгача жойлашганлиги қайд этилди.

1000 дона дон оғирлиги бўйича ота-она шаклларида 36 грамм ва ундан юқори бўлган оилалар 21,2 фоиздан K-296 (Зерноград 1) намунасида, 89,1 фоизгача K-141 намунасида 56 та оилани ташкил этди. Ўзгарувчанлик коэффициенти 1000 дона дон йириклиги бўйича ота-она шаклларида 9,01-12,5 % оралиғида бўлди.

Ота-она шакллари ва F<sub>3</sub> дурагайларида 1000 дона дон вазни бўйича 4-7 синфларда асосий ўсимликлар учради. Бунда ушбу синфларда ота-она шакллари 85,4 фоиздан K-141 намунасида, 100,0 фоизгача K-602 (Ўзбекистон оқ дон) нав ва K-296 (Зерноград 1), ISCV 112 намуналарида ҳамда дурагайларда 85,7 фоиздан F<sub>3</sub> [(♀K-417 (Хигери карликовое)х♂K-141] комбинациясида, 94,4 фоизгача F<sub>3</sub> [K-417 (Хигери карликовое)х♂K-602 (Ўзбекистон оқ дон)] комбинациясида жойлашганлиги намоён бўлди. Ўзгарувчанлик коэффициенти ота-она шаклларида 6,46-7,51 % оралиғида, F<sub>2</sub> дурагайларда 8,97-12,8 фоиз оралиғини ташкил этди.

Тадқиқотларда F<sub>3</sub> дурагай оилаларида 1000 дона дон оғирлиги ўртача 30,9 граммдан F<sub>3</sub> [(♀K-296 (Зерноград 1) х ♂K-141] комбинациясида, 44,4 граммгача F<sub>3</sub> [(♀K-417 (Хигери карликовое) х ♂K-141] комбинациясида бўлганлиги аниқланди. F<sub>3</sub> дурагай оилаларда асосий ўсимликлар вариацион каторнинг 3-6 синфларида, 26-45 грамм оралиғида бўлиб, ушбу синфларда 6,8 фоиздан F<sub>3</sub> [(♀K-296 (Зерноград 1) х ♂K-141] комбинациясида, 87,5 фоизгача F<sub>3</sub> [K-417 (Хигери карликовое) х ♂K-141] комбинациясида учради. Ўзгарувчанлик коэффициенти F<sub>3</sub> дурагай оилаларда 1000 дона дон оғирлиги белгиси бўйича 13,6-15,0 % оралиғида бўлганлиги кузатилди.

Дон ҳосилдорлиги бир дон рўвакдаги донлар сони ва бир дон донли рўвак оғирлиги билан корреляцияси тадқиқотларда ўрганилган ота-она шакллари ва  $F_3$  оилаларида ижобий даражада эканлиги, яъни ота-она шаклларида корреляция коэффициентининг ( $r$ ) кўрсаткичи 0,19-0,43,  $F_3$  оилаларида эса 0,19-0,59 ни ташкил қилиши аниқланди. Бунда, ота-она шаклларида  $K-602$  (Ўзбекистон оқ дон) ва  $K-417$  (Хигери карликовое) намуналари ҳамда  $F_3$  [ $K-417$  (Хигери карликовое)х $\sigma$  $K-602$  (Ўзбекистон оқ дон)],  $F_3$  [ $\phi$  $K-602$  (Ўзбекистон оқ дон) х  $\sigma$  $K-296$  (Зерноград 1)],  $F_3$  [ $(\phi$ ЎзК-545х $\sigma$  $K-417$  (Хигери карликовое)] комбинацияларида бу белгилар ўртасидаги боғлиқликлар нисбатан юқори бўлди. Ўсимлик бўйини рўвак узунлиги билан ота-она шакллари ва  $F_3$  оилаларида ижобий даражада эканлиги, яъни ота-она шаклларида корреляция коэффициентининг ( $r$ ) кўрсаткичи 0,18-0,56,  $F_3$  оилаларида эса 0,16-0,48 ни ташкил қилиши аниқланган. Бунда, ота-она шаклларида  $K-417$  (Хигери карликовое),  $K-296$  (Зерноград 1) ва ЎзК-545 намуналари ҳамда  $F_3$  [ $K-417$  (Хигери карликовое)х $\sigma$  $K-602$  (Ўзбекистон оқ дон)],  $F_3$  [ $(\phi$  $K-417$  (Хигери карликовое)х $\sigma$  $K-141$ ],  $F_3$  [ $(\phi$ ЎзК-545х $\sigma$  $K-417$  (Хигери карликовое)] комбинацияларида бу белгилар ўртасидаги боғлиқликлар нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган (1-расм).




**1-расм. Жўхорининг географик узоқ бўлган нав ва намуналари иштирокида олинган  $F_3$  оилаларида дон ҳосилининг бошқа қимматли-хўжалик белгилари билан боғлиқлиги (2014 й.)**

Дон жўхорини  $F_4$  [ $K-417$  (Хигери карликовое)х $\sigma$  $K-602$  (Ўзбекистон оқ дон)] комбинациясини 19 та оилалари андоза нисбатан ўсимликлар бўйи бўйича таққослаб ўрганилганида, оилаларда 104 см дан О-11 оилада, 118 см гача О-6, О-10 оилаларда эканлиги маълум бўлган. Ўсимликлар бўйи бўйича андоза сифатида олинган Даулет нави 172 см ни ташкил этиб, ўрганилган барча оилаларга нисбатан яққол узун бўлганлиги намоён бўлган. Ўсимлик бўйи белгиси бўйича О-3, О-8, О-10 ва О-16 оилаларда бошқа оилаларга нисбатан узун бўлганлиги, яъни 117-118 см ҳамда О-4, О-5, О-9, О-11, О-14,

О-17 ва О-18 оилалар бошқа оилалар нисбатан паст бўйли (104-110 см) эканлиги аниқланган.

Дон жўхорини F<sub>4</sub> [К-417 (Хигери карликовое)х♂К-602 (Ўзбекистон оқ дон)] комбинациясини 19 та оилаларида Даулет навига нисбатан рўвак узунлиги таққослаб ўрганилганида оилаларда 20,8 см дан, 24,1 см гача, андоза навида эса 23,4 см ни ташкил этган.

Жўхорининг хорижий Россиянинг К-417 (Хигери карликовое) ва маҳаллий К-602 (Ўзбекистон оқ дон) навлари иштирокида олинган янги 5 та, яъни Т-4, Т-9, Т-11, Т-14, Т-17 тизмаларида ўсимликлар бўйи 105 см дан, 111 см гача, ўсув даври 107-113 кун оралиғида, рўвак узунлиги 20,3 смдан Т-11 тизмаси, 22,8 см гача Т-4 тизмасида, ўсимликлардаги барглар сони 21-23 дона эканлиги қайд этилган. Ушбу тизмаларда яшил масса маҳсулдорлиги 1267 грдан Т-17 тизмасида, 1328 гр гача (Т-11) бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги 121-132 гр оралиғида, бир дона рўвакдаги донлар сони 2337 дондан, 2546 донагача ҳамда 1000 дона дон оғирлиги 39,2-40,8 г оралиғини ташкил этган.



**2-расм. Жўхорининг Т-11 F<sub>4</sub> [К-417 (Хигери карликовое)х♂К-602 (Ўзбекистон оқ дон)] тизмаси оилаларининг рўвак узунлиги, 1000 та дон вазни, бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги белгилари натижалари (2014 й.).**

Жўхорида дон ҳосилдорлиги юқори бўлишида рўвак узунлиги ва эни, битта рўвакдаги донлар сони, 1000 та дон вазни, бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги ҳамда дон чиқиши каби асосий белгилар катта аҳамиятга эга. Тадқиқотларда ушбу белгилар бўйича Т-11 F<sub>4</sub> [К-417 (Хигери карликовое)х♂К-602 (Ўзбекистон оқ дон)] тизмаси оилаларида ижобий бўлганлиги аниқланди, бу эса дон ҳосилдорлигининг ортишига олиб келди (2-расм).

Жўхорининг F<sub>4</sub> [K-417 (Хигери карликовое)х♂K-602 (Ўзбекистон оқ дон)] комбинациясидан олинган Массино (Т-11) навини Республиканинг барча вилоятларида экишга ҳамда дон ҳосилдорлиги бўйича ўрганилган оилаларга ва андоза навига нисбатан ижобий бўлган. Т-3, Т-7, Т-17, Т-21 тизмалар селекционерлар учун бошланғич ашё сифатида фойдаланишга тавсия этилди (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Жўхорини дон ҳосилдорлиги ва асосий қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари (2015 й.)

F <sub>5</sub> [K-417 (Хигери карликовое)х♂K-602 (Ўзбекистон оқ дон)] тизмалари	Вегетация даври, кун	Рўвак узунлиги (см)	Бир дона рўвакдаги дон маҳсулдорлиги (г)	Бир дона рўвакдаги донлар сони (дона)	1000 та дон вазни, г
Т-4	113	22,8	131	2475	39,2
Т-9	109	20,3	129	2546	40,1
Т-11 (Массино)	107	21,5	132	2380	40,8
Т-14	108	21,6	121	2449	40,7
Т-17	110	22,4	126	2337	39,3
St. Даулет	119	22,9	120	1813	32,3

Дон жўхорини хорижий Россияни K-417 (Хигери карликовое) ва маҳаллий K-602 (Ўзбекистон оқ дон) навлари иштирокида олинган янги 5 та, яъни Т-4, Т-9, Т-11, Т-14, Т-17 тизмаларида чанг қоракуя касаллиги билан 4,0-6,0 фоиз оралиғида, F<sub>5</sub> [K-602 (Ўзбекистон оқ дон)х♂K-296 (Зерноград 1) комбинациясини 3 та тизмаларида 4,0-6,7 фоиз оралиғида, F<sub>5</sub> [(♀ЎзК-545х♂K-417 (Хигери карликовое)] комбинацияси тизмаларида 5,3-6,7 фоиз оралиғида ҳамда андоза сифатида олинган Даулет навида 9,3 фоиз зарарланганлиги намоён бўлди.

Диссертациянинг “Янги яратилган жўхорининг “Массино” навини рақобат синови ва ишлаб чиқариш тажрибалари” деб номланган бешинчи бобида янги, дон йўналиши учун яратилган Массино нави 2019-2022 йиллар мобайнида Озуқа экинлари илмий-тажриба станциясини илмий-тажриба участкасини 1,0 га ер майдонида ва Нукус тумани “Қўнғиратбой - Меҳри” фермер хўжалигини 20,0 га ер майдонларида рақобат ҳамда ишлаб чиқариш синов ишлари олиб борилди ва андоза навга нисбатан морфобиологик белгилари ва қимматли хўжалик хусусиятлари таққослаб ўрганилган.

Рақобат синовини янги яратилган жўхорининг Массино нави дон жўхори гуруҳига мансуб, бугунги кунда Давлат реестрида мавжуд Ўзбекистон 5, Ўзбекистон паканаси ва андоза сифатида олинган Даулет навлари билан солиштирилиб ўрганилди. Тўлиқ пишиш даври янги Массино навида 113 кун бўлган бўлса, Ўзбекистон 5 навида 11 кун кеч, андоза ва Ўзбекистон паканаси навларида эса 11 – 23 кунга эрта бўлганлиги кузатилган.

Ўсимлик бўйи бўйича кўрсаткич ўрганилганда пакана бўйлилик кўрсаткичи Ўзбекистон паканаси навида намоён бўлиб, янги Массино навига нисбатан 12,1 см га юқори бўлган. Даулет, Ўзбекистон 5 навларида эса янги навга нисбатан 127,4 – 135,5 см га баланд бўлганлиги аниқланган.

Бир туп ўсимликдаги барг сони бўйича кўрсаткич янги Массино навида солиштирилаётган навларга нисбатан энг кўп (21,0 дона) бўлиб, 3,0-10,0 донага кўп бўлганлиги аниқланди.

Рўвак узунлиги андоза Даулет навида 22,3 см бўлган бўлса, янги Массино навида 0,3 см га, Ўзбекистон 5 навига нисбатан 2,0 см га қисқа, Ўзбекистон паканаси навига нисбатан 0,9 см га узун бўлганлиги кузатилди.

Дон ҳосилдорлиги андоза Даулет навида ўртача 56,8 ц/га, Массино навида 61,4 ц/га, Ўзбекистон 5 навида 52,3 ц/га, Ўзбекистон паканаси навида 68,9 ц/га ва 1000 дона дон оғирлиги Даулет ва Ўзбекистон 5 навларида юқори бўлиб, 48,6-50,7 гр ни ташкил этган бўлса, янги Массино ва Ўзбекистон паканаси навларида эса 30,4-32,7 гр ни ташкил этган.

## 2-жадвал

### Дон учун истиқболли Массино навини ишлаб чиқариш шароитида морфобиологик белгилари ва қимматли хўжалик хусусиятларини андоза нав билан таққослаш

№	Кўрсаткичлар	Навлар номи										Андоза навадан фарқи
		Бой-жўхори (андоза)					Массино					
		2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	Ўртача	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	Ўртача	
1	Тўлик пишиш даври, кун	134	136	137	136	<b>135,8</b>	110	112	114	112	<b>112</b>	-23,8
2	Ўсимлик бўйи, см	248,3	256,4	260,5	254,9	<b>255,0</b>	110,2	113,4	115,1	114,3	<b>113,3</b>	-141,7
<b>ЭКФ<sub>0,5</sub></b>		<b>0,89%</b>					<b>1,1%</b>					
3	Рўвак узунлиги, см	11,6	12,4	13,1	12,7	<b>12,5</b>	24,8	25,1	25,4	25,6	<b>25,2</b>	+12,7
4	Рўвак эни, см	5,7	6,8	7,3	7,0	<b>6,7</b>	8,9	9,2	9,4	9,6	<b>9,3</b>	+2,6
<b>ЭКФ<sub>0,5</sub></b>		<b>3,61%</b>					<b>2,77%</b>					
5	Бир туп ўсимликдаги барглари сони, дона	15,2	16,1	16,6	16,4	<b>16,1</b>	16,8	17,6	18,4	17,9	<b>17,7</b>	+1,6
6	Дон ҳосилдорлиги, ц/га	46,4	47,0	47,6	46,9	<b>47,0</b>	61,6	62,5	63,4	62,6	<b>62,5</b>	+15,5
<b>ЭКФ<sub>0,5</sub></b>		<b>2,23%</b>					<b>1,15%</b>					

Ишлаб чиқариш синовида жўхорини янги Массино навининг морфобиологик кўрсаткичлари андоза Бой-жўхори навига нисбатан тўлик пишиш даври 22-24 кунга эрта пишганлиги, ўсимлик бўйининг баландлиги 138,1-145,4 см га паст, рўвак узунлиги 12,5-13,2 см га узун, рўвак эни 2,3- 3,2 см га энли бўлганлиги, бир тупдаги барглари сони 1,6-1,8 донага, 1000 дона дон оғирлиги 5,8 гр га, бир дона рўвакдаги дон сони 875-960 донага ва бир

гектардан олинган дон ҳосилдорлиги 14,0-17,0 ц/га кўп бўлганлиги аниқланган (2-жадвал).

Лаборатория шароитида ўсимликдаги дон ҳосилини таъминлайдиган асосий белгилар донли рўвак оғирлиги, донсиз рўвак оғирлиги, дон чиқиндиси билан оғирлиги, тоза дон оғирлиги, чиқинди миқдори, дон чиқиш миқдори, 1000 та дон вази ва бир дона рўвакдаги дон сони бўйича таҳлиллар олиб борилган. Натижалар шуни кўрсатдики, Массино навида донли рўвак оғирлиги 12,5 – 13,0 гр га, дон чиқиндиси билан оғирлиги 13,2 – 13,6 гр га, тоза дон оғирлиги 11,0-12,4 гр га, чиқинди оғирлиги 1,2 – 2,6 гр га юқори бўлганлиги аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

